

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi
"PROGRESS AUDIT" auditorlik tashkiloti
"XORAZM PROGRESS AUDIT" auditorlik filiali**

Хоразм вилояти Янгибозор тумани маркази Бунёдкор кўчаси 8-уй. Телефон: (+99897) 451-76-67.

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Мен, Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi «Progress audit» auditorlik tashkiloti (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрель куни «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилган» 00784-сонли лицензия ва «Ўзбекинвест экспорт-импорт миллий суғурта компанияси» томонидан 2019 йил 12 апрель куни 02-681100700-сонли суғурта полисига эга. Ҳисоб рақами: 20208000003201832001, АТИБ «Ипотекабанк» Бухоро бўлими, МФО 00088, ИНН 202359083) «Xorazm progress audit» auditorlik filiali директори, аудитор Матмуратов Давронбек Давлатбоевич (05631-сонли аудитор малака сертификати 2019 йил 04 октябрь куни берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Uzparta'minot» aksiyadorlik jamiyatining 2020 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврдаги молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Uzparta'minot» aksiyadorlik jamiyatining илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

«Uzparta'minot» aksiyadorlik jamiyati молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар талабларига жавоб беради.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Uzparta'minot» aksiyadorlik jamiyatining 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МСНЖ «Progress audit» auditorlik tashkiloti
«Xorazm progress audit» auditorlik filiali
директори, аудитор:**



Д.Матмуратов.

2021 йил 14 апрель.

МСНЖ «PROGRESS AUDIT» AT «XORAZM PROGRESS AUDIT» AF